



ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 40 (1104) • 2016-yil, 9-sentabr, juma

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI BOШ VAZIRI SHAVKAT MIROMONOVICH MIRZIYEVNING OLIIY MAJLIS QONUNCHILIK PALATASI VA SENATINING QŶSHMA MAJLISIDA QI HUTQI



Хурматли Спикер!
Хурматли Сенат раиси!
Мухтарам депутатлар ва сенаторлар!
Қадрли қўшма мажлис иштирокчилари!
Шу кунларда барчамиз бир-галликда юрагимизда чуқур дард билан, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган оғир жудолликни бошимиздан кечирмоқдамиз. Нуруний оксоколларимиз, мўътабар оналаримиз ва описингилларимиз, ёш йигит ва қизларимиз, 32 миллионли бутун Ўзбекистон халқи, хорижий мамлакатлардаги қўсонли дўстларимиз буюк давлат ва сиёсат арбоби, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислому Абдуғаниевич Каримовни чексиз қайғу билан сўнгги йўлга кузатдилар.

Шу фурсатдан фойдаланиб, азиз Ислому Абдуғаниевичнинг рафиқаси — хурматли Татьяна Акбаровнага, кизи — Лола

Исломовнага ва яқинларига барчамизнинг номимиздан яна бир бор чуқур таъзия билдиришга рухсат бергайсиз.

Вақт ва ҳаётнинг ўзи Ислому Абдуғаниевич Каримовнинг замонамизнинг улуг сиёсатчиси, узукни қўрайдиган ва стратегик фикр юртайдиган шахс, дунёда ва турли минтақаларда юз бераётган ўта мураккаб воқеаларнинг мохиятини давлатчилик нуқтаи назаридан қўра билдиш қобилиятига эга бўлган, ўз юрти ва халқи учун, ҳар бир ватандошимизнинг тақдири учун улкан масъулият тўғрисида чуқур ҳис қиладиган атоқли раҳбар эканлигини ҳар томонлама тасдиқлади.

Миллий тарихимизнинг энг кескин ва таҳликали даврида, миллатлараро тўқнашувлар ва бошқа зиддиятлар авж олган, мамлакатимизда фуқаролар уруши хавфи юзага келган, иктисодиёт чуқур инкирозга уч-

раган, бир сўз билан айтганда, эски замоннинг умри тугаб, янги замон бошланаётган бир пайтда Ислому Абдуғаниевичнинг республика раҳбари этиб сайланиши Яратганнинг халқимизга бебаҳо марҳамати бўлган эди.

Ислому Абдуғаниевичга хос бўлган буқилмас ирода, фидойиллик, мардлик ва ватанпарварлик, инсонийлик ва адолатпарварлик, самимийлик ва меҳрибонлик каби олижаноб фазилатлар барчамиз учун ёрқин ибрат намунаси бўлиб қолди.

Замонавий Ўзбекистоннинг тарихи — бу мамлакатимизнинг ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлида Ислому Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида олиб борилган ўта мураккаб ва оғир курашлар тарихидир. Буюк йўлбошчимиз ҳақли равишда демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республи-

каси Конституциясининг ҳам асосий муаллифи эдилар.

Мамлакатимиз тоталитар тизимдан воз кечиб, мустақил тараққиёт йўлини танлади, қўллаб қийинчилик ва синовлардан ўтиб, тарихан қисқа даврда жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллади.

Конституция ва унинг негизда яратилган пухта қонулар, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳокимият институтларини шакллантириши ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мулкчиликнинг барча турларини, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлади.

Ислому Абдуғаниевич **“Иктисодий мустақилликка эришмасдан сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди”** деган тамойил ва энг муҳим устувор вазифани амалга оширишни стратегик масала деб ҳисоблар эдилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иктисодий дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иктисодиёти қарийб 6 марта ўсди. Унда саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга ошди. Охириги 11 йил давомида янги ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмаган даражада сақланмоқда. Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда.

Мутлақо янги, юқори технологияларга асосланган саноат тармоқлари, хусусан, нефть-кимё, автомобилсозлик саноати, қишлоқ хўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик саноати, замонавий қурилиш материаллари иш-

лаб чиқариш ва бошқа соҳалар изчил ривожланмоқда.

Бугун Ўзбекистон иктисодиёти жадал ривожланаётган дунёдаги бешта давлат қаторига кирди. Бунинг яққол исботи сифатида мамлакатимизда қурилган ва ўз қўлами бўйича жаҳон миқёсида ҳам йирик ва ноёб ҳисобланган саноат объектлари, хусусан, Устюрт ва Шўртан газ-кимё комплекслари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қўнғирот сода заводи, Дехқонобод калий ўғитлари заводи, Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги автомобилсозлик заводларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Республикаимизда жадал суръатлар билан замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ташкил қилинмоқда. Жумладан, Қамчиқ доводидан ўтадиган, ноёб тоғ туннелини ўз ичига олган Ангрэн—Поп темир йўл тармоғи, Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон темир йўли қурилди. Тошкентдан Самарқанд, Қарши ва Бухорога йўловчи ташийдиган юқори тезликдаги темир йўл қатнови очилди. Халқаро аэропортлар модернизация қилинди, Навоий аэропорти негизда халқаро логистика маркази ташкил қилинди ва Ўзбекистон миллий автомагистралли барпо этилди.

Қишлоқ хўжалигида туб таркибий ислохотлар амалга оширилди. Барчамиз яхши эслаймиз, яқин ўтмишда Ўзбекистонни пахта монополияси ҳукмронлик қиладиган аграр бир мамлакат деб билишар эди. Мисол учун, 1990 йилда аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи, асосан, четдан олиб келинадиган импорт ҳисобидан қондирилган эди.

Ислому Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси билан ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, экин майдонларини оптималлаштириш ва янги, илғор агротехнологияларни жорий этиш, қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни ташкил этиш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ҳақиқий мулкдорларнинг янги синфи бўлган фермерлик ҳаракати шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2016 йил 8 сентябрь кунин Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, тақлиф этилган Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис аввалида йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислому Абдуғаниевич Каримов хотирасини ёд этиб, хурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида **“Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажаришни вақтинча юклаш тўғрисида”**ги масала қўриб чиқилди.

Қўшма мажлис давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Т.Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёевнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида раҳбарлик лавозимларидаги қўп йиллик тажрибасини, аҳоли ўртасидаги хурмат-эътиборини инobatга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажаришни унинг зиммасига вақтинча юклаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги тақлиф билан мурожаат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Т.Йўлдошевнинг мазкур тақлифи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари, депутатлар ва сенаторлар ҳозирги шароитда барқарорликни сақлаш, жамоат хавфсизлигини ва ҳуқуқ-тартибни таъминлаш, мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим сиёсий ва ижтимоий-иктисодий масалаларини самарали ҳал этиш зарурлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Т.Йўлдошевнинг тақлифини қўллаб-қувватладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажаришни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига вақтинча юклаш тўғрисида қўшма қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига **“Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажаришни тўғрисида”**ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови ўтказилишини ташкил этиш тавсия қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси шу билан ўз ишнини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ахборот хизматлари

Давом 2-бетда

Адолат ва қонун устуворлиги раҳнамоси

➤ МУНОСАБАТ

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт раҳнамоси Ислому Абдуғаниевич Каримовдан бебақт жудо бўлиш мамлакатимиз аҳолисининг барча қатлами қаторида Ўзбекистон **“Адолат”** социал-демократик партияси аъзолари, депутатлари, фаоллари ҳамда электорати вакиллари ҳам чуқур қайғу ва изтиробга солмоқда.

Юқас жасур ва маънафатга эга йўлбошчи, ҳақиқий ватанпарвар, халқпарвар ва инсонпарвар давлат арбоби, мулоҳазакор, қатъиятчи ва доно етакчи, қомил инсон Ислому Абдуғаниевич Каримовнинг ўзидан қўшма мажлис иштирокчилари ва сенаторлар!

Қадрли қўшма мажлис иштирокчилари!

Шу кунларда барчамиз бир-галликда юрагимизда чуқур дард билан, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган оғир жудолликни бошимиздан кечирмоқдамиз. Нуруний оксоколларимиз, мўътабар оналаримиз ва описингилларимиз, ёш йигит ва қизларимиз, 32 миллионли бутун Ўзбекистон халқи, хорижий мамлакатлардаги қўсонли дўстларимиз буюк давлат ва сиёсат арбоби, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислому Абдуғаниевич Каримовни чексиз қайғу билан сўнгги йўлга кузатдилар.

Шу фурсатдан фойдаланиб, азиз Ислому Абдуғаниевичнинг рафиқаси — хурматли Татьяна Акбаровнага, кизи — Лола

Исломовнага ва яқинларига барчамизнинг номимиздан яна бир бор чуқур таъзия билдиришга рухсат бергайсиз.

Вақт ва ҳаётнинг ўзи Ислому Абдуғаниевич Каримовнинг замонамизнинг улуг сиёсатчиси, узукни қўрайдиган ва стратегик фикр юртайдиган шахс, дунёда ва турли минтақаларда юз бераётган ўта мураккаб воқеаларнинг мохиятини давлатчилик нуқтаи назаридан қўра билдиш қобилиятига эга бўлган, ўз юрти ва халқи учун, ҳар бир ватандошимизнинг тақдири учун улкан масъулият тўғрисида чуқур ҳис қиладиган атоқли раҳбар эканлигини ҳар томонлама тасдиқлади.

Миллий тарихимизнинг энг кескин ва таҳликали даврида, миллатлараро тўқнашувлар ва бошқа зиддиятлар авж олган, мамлакатимизда фуқаролар уруши хавфи юзага келган, иктисодиёт чуқур инкирозга уч-

раган, бир сўз билан айтганда, эски замоннинг умри тугаб, янги замон бошланаётган бир пайтда Ислому Абдуғаниевичнинг республика раҳбари этиб сайланиши Яратганнинг халқимизга бебаҳо марҳамати бўлган эди.

Ислому Абдуғаниевичга хос бўлган буқилмас ирода, фидойиллик, мардлик ва ватанпарварлик, инсонийлик ва адолатпарварлик, самимийлик ва меҳрибонлик каби олижаноб фазилатлар барчамиз учун ёрқин ибрат намунаси бўлиб қолди.

Замонавий Ўзбекистоннинг тарихи — бу мамлакатимизнинг ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлида Ислому Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида олиб борилган ўта мураккаб ва оғир курашлар тарихидир. Буюк йўлбошчимиз ҳақли равишда демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республи-

Карвон тўхтамагай, борар манзилимиз буюк келажак

➤ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Мустақиллигимиз меъмори, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Исому Каримовнинг вафоти ҳаммамизни қайғуга солди. Умр бўйи элим деб, юртим деб ёниб яшаган бу буюк Инсоннинг жамиятимизда, ҳаётимизда тутган ўрнини сўз билан таърифлаш мушқул. Энг муҳими, Юртбошимиз раҳнамолигида Истиқлолга эришган юртимизда янги ҳақ, Мустақиллик даври ҳақи шаклланди. Шиддатли суръат, жўшқинлик, бунёдкорликда ўтган чорак асрлик қисқа давримизга назар соларканмиз, бу ҳақиқатга қайта-қайта ишонч ҳосил қиламиз.

Зеро, йигирма беш йиллик истиқлол даври халқимиз учун буюк бурилиш, қайта тикланиш, ўзликни англаш, жаҳонга чиқиш йиллари бўлди. Чорак аср давомида ёш давлатимиз асрга тенг юксалиш ва тараққиёт йўлини босиб ўтди десак, муболага бўлмайди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида бизга собиқ тузумдан пароканда иктисод, сон-саноксиз ижтимоий-маънавий муаммолар, халқимизнинг майиб-

маҳсулотнинг ўсиш суръати кейинги 11 йилдан бери 8 фоиздан кам бўлмаётгани, аҳолининг харид қуввати муттасил охиб бораётгани, ўртача умр қўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида 76 ёшга узайгани жаҳоннинг энг тараққий топан давлатларига қисқа вақтда ҳам камдан-кам кузатиладиган натижалар.

Бу рақамлар истиқлол даврининг энг ёрқин самараси сифатида ҳавас ва ибратга молик. Бу ютуқларга халқимизнинг улуг мақсад йўлидаги фидокорона меҳнати, ғайрат-шижоати, сабр-қаноати туфайли эришдик. Аммо дунё бозорларида ноаниқлик, беқарорлик ва инкироз давом этаётгани, рақобат кучайиб, шафқатсиз тус олаётгани, хомашё нархнинг пасайиб бораётгани янада самарали ишлашни, асосий соҳаларда янги юқас марраларни эгаллашни, бунинг учун раҳбарлик ва етакчи лавозимларда ўтирган шахс-

лардан эскича қараш ва ёндашувлардан, номқабул иш услубларидан воз кечишни, янгича фикрлаш ва ишнини янги, замонавий усулларда ташкил этишни тақозо этади. Шу боис, олдимизда мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация қилиш, унинг рақобатдошлигини ошириш йўлида бошлаган ислохотларни ояшмай давом эттириш, иктисодиётдаги таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, унда давлат иштирокини камайитириш, хусусий мулкнинг улушини кенгайтириш ҳамда унинг устуворлигини таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес самарасини ошириш, хорижий инвестициялар ҳажминини қўлайитириш, замонавий, юқори технологияларни жорий этиш мақсадида мамлакатимизда яратилган имтиёزلарни янада кенгайтириш каби масъулиятли вазифалар тур-

Адолат ва қонун устуворлиги раҳнамоси

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Ва ниҳоят ўтган асрнинг 80-йиллари охирида тарих саҳнасига чиққан Ислам Каримов халқимизни истибод зулмидан озод қилишга, Ўзбекистонимизни мустақил давлат сифатида дунё саҳнага кўтаришга муваффақ бўлган ҳақиқий етакчи, давлат арбоби сифатида янги тарихимизга мангу муҳрланди.

Миллатимизнинг собиқ тузум даврида топталган кадр-қиммати ва шаънини, тилимиз, динимиз ва кадрларимизни тиклаш йўлида Ислам Каримовнинг кўрсатган маънавий жасоратларини сўз билан таърифлаш мушкул. Зеро, Юртбошимиз ҳали мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритмаган даврда, яъни 1986-1988 йилларда Қашқадарё вилоятига раҳбарлик қилган вақтдаёқ Марказ томонидан халқимиз бошига "пахта иши", "Ўзбеклар иши" номи остида ёдирилган тухматлар, қатағонларга қарши курашишга киришган, қанчадан-қанча беғуноҳ юртдошларимизнинг пок номларини оқлаб, адолат курашчиси сифатида халқимиз ишонига кирган эди.

Шундан кейин ҳам, ўз умрини яшаб бўлган, асосига дарз кетган эски тоталитар тузум ҳали ўзини қарши бош кўтарган ҳар қандай етакчиларни аямий жазолаётган ўта қалтис бир даврда ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, жасур йўлбошимиз она тилимизга давлат тили мақомини бериш орқали мустақиллик сари дастлабки дадил қадамларни ташлаган эди. Шу билан бирга,

ўша даврда Ислам Каримов мамлакатимизнинг турли ҳудудларида уруш оловини ёқинга қаратилган фитналарнинг олдини олиб, ҳамюртларимизни фуқаролар урушидан сақлаб қолганлиги, охир-оқибат халқимизни ҳеч қандай кон тўкишларисиз, жангу жадалларисиз мустақилликка олиб чиққанлиги унинг юксак маънавий жасорат соҳиб бўлганлигидан далолат беради.

Президентимиз ўзининг Олий Мажлис Қонуқчилик палатасидаги энг сўнгги маърузасида "...ислохотчи шахсларнинг ҳаёти осон кечмайди. Ислохотчи бир ишни бошлади, уни охиригача етказмасдан қўймайди, ўз мақсадига етмагунча ҳеч қачон тиниб-тинчмайди", дея фикр билдирган эди.

Дарҳақиқат, ушбу инсон умрининг охирига қадар фақат халқ дарди билан яшади, инсон манфаатларига қаратилган ислохотлар йўлида ўзини аямади, шу юрт келажиги, авлодлар тақдири учун фидойилик кўрсатди.

Дано сиёсатчи ва давлат арбоби Ислам Каримов томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилиб, амалиётга босқичма-босқич таъбиқ этилган тараққиётнинг "Ўзбек модели"ни бутун дунё жамоатчилиги эътироф этаётганини бугун барчамиз яхши биламиз.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда қисқа тарихий муддат ичида миллий давлатчиликни шакллантириш ҳуқуқий асослари яратилди. Халқ фаровонлиги йўлида эркин бозор муносабатларига асосланган кучли иктисодиёт барпо

этилди. Натижада юртимиз халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан босқичма-босқич, қатъий ҳамда изчил одимламоқда. Зотан, асл муаллифи Биринчи Президентимиз бўлган Конституциямизда ҳам бизнинг бош мақсадимиз — фақат ҳуқуқий демократик давлат эмас, балки адолатли фуқаролик жамияти қуриш экани аниқ-равшан белгилаб берилган.

Чиндан ҳам истиқлол туфайли соҳибқирон Амир Темурнинг "Куч — адолатда" ҳикмати бизга ўзининг бутун мазмун-моҳиятини кенг очди. Юртбошимиз бу пурмаъно нақлни янада ривожлантириб, "Адолат — қонун устуворлигида", деб таъкидлар экан, худди шу ҳаётий тамойилга қатъий амал қилиб яшашимиз зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. Аслида ҳам шундай. Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси ҳам аслида ҳар бир фуқаронинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги таъминлани-

ши, яъни адолатнинг қарор топиши демократик.

Мустақиллигимиз меъморининг "Нимаки қонуний бўлса, у — адолатлидир", "Айнан қонун адолат манбаи ва мезонидир", "Халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди" каби ҳаётий фикрларига ҳамроҳ равишда бугунги кунда амалга ошираётган туб ислохотларимизнинг мазмун-моҳиятига адолат, ватанпарварлик ва юксак инсонпарварлик тамойиллари сингдирилганлигини янада теран англамоқдамиз.

Шу боис, Президентимиз Ислам Каримовнинг бу борадаги эзгу ва хайрли ишларини Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб давом эттирмайди. "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун", "Адолат — қонун устуворлигида" сингари бош тамойилларимизга асосланган саъй-ҳаракатларимиз изчиллиги ва самардорлигини таъминлаш зиммамиздаги энг муҳим вазифа бўлиб қолади.

Халқимизни улғу мақсадлар сари бошлаган сарбонимизнинг адолатпарварлиги, инсонпарварлиги ва ватанпарварлигини биз ҳам, авлодларимиз ҳам ҳеч қачон унутмайди. Мустақиллик меъморининг мангу ўлжаси сиймоси, ҳар бир сўзи, доно ўгитлари буюк келажак сари одимларимизни йўлчи юлдуздек ёритиб туради.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари

Карвон тўхтамагай, борар манзилимиз буюк келажак

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Истиқлолнинг дастлабки йилларида ёш давлатимиз олдида янги — эркин, демократик давлат қуриш, иктисодиётни бозор муносабатларига мослаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, ёш мамлакатимизни дунёнинг тараққий топган илдор давлатлари сафига кўтариш, улар билан манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, эл-юртда тинчлик-тотувликни, миллатлараро аҳил-иноқликни сақлаб қолиш, одамларнинг истиқлол гоёлари ва ёруғ келажакка ишончини мустаҳкамлаш каби гоёт муҳим вазифалар турар эди. Давлатимиз раҳбарининг машҳур беш принцинга асосланган тараққиёт стратегияси бу вазифаларни қисқа вақт ичида муваффақиятли бажаришга, ўтти давридаги узилишларни сабр-тоқат билан енгиб ўтишга, ҳар бир муаммони ҳал қилишда энг тўғри ечимларни топишга асос, бош дастуриламал бўлди десак, муболага бўлмайди.

Мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини, халқимизнинг турмуш тарзини, орзу-умидларимизни бутунлай ўзгартириб юборди. Қисқа вақт ичида эски мустабил тузум мафкураси асоратлари, вайриinsonий таъқиқларидан халос бўлди, дунёнинг барқарор ривожланаётган давлатларидан бирига айландик. Бу улғу неъмат "топталган кадрятларимизни, дину диниятимизни, ор-номусимизни тиклаш, ўзалигимизни англаш, халқимизнинг орзу-интиллари, миллий манфаатларига жавоб берадиган келажакимизни қуриш йўлини очиб бергани билан тарихимизда абадий сақланиб қолади".

Тарихдан маълумки, миллий озодлик узок давом этадиган курашлар, овир йўқотишлар натижасида қўлга киритилади. Уни сақлаб қолиш, ижтимоий-иктисодий, маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ўтиш даврининг мураккабликларида дош бериш осон вазифа эмас. Шу босқичдан ҳам истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб барча соҳаларда кенг қўлдан ислохотлар бошлаб юборилди, "Ислохот — ислот учун эмас, аввало инсон учун", "Шу азиз Ватан — барчамизники" деган мантиқан

фоят кучли шиорлар ўртага ташланди. Халқимизнинг сабр-бардоши, асрлар давомида шаклланган ҳаётий тажрибаси, аҳил-иноқлиги, ёруғ келажакка қатъий ишонч туйғуси, ёшлар, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги боис, ўтган йиллар давомида шундай улғу ишлар амалга оширилдики, улар биз эришмоқчи бўлган улғу мақсаднинг, Ўзбекистон танлаган йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётийлигини кўрсатиб берди. Бу фақат бизнинг эмас, юртимизда ўтказилаётган кўплаб халқаро анжуманлар иштирокчилари, нуфузли давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатшунослар, иктисодчи олимлар, жамоатчилик фикрини ўрганиш халқаро марказлари мутахассисларининг ҳам фикридир.

Бугун босиб ўтган шонли тарихий йўлимизга назар ташлар эканмиз, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида қандай овир муаммолар кўндалан тургани ёдимизга тушади. Энг овир шароитда одамлар, айниқса, ёшлар онг-шуурига янги жамиятнинг янги гоёларини сингдириш, халқнинг кадр-қимматини кўтариш, ор-номусини жой-жойига қўйиш, яқин ва олис тарихимизни собиқ тузум мафкураси таъсиридан тозалаш, буюк келажакимизнинг пойдеворини қўйиш лозим эди, вақт эса кутиб турмасди. Вазиятнинг мураккаблигига қарамай, ташқаридан қарз кўтармай, миннатли ёрдамларга қўл чўзмай, фақат ўз кучимиз, имкониятларимизга таяниб иш кўрдик. "Биз борини асраш ва йўғини яратиш йўлидан борамиз" деган шпор, сохта обрў қозонини учун енгил-елпи қарорлар қабул қилмаслик, ҳар бир ишнинг бамаслаҳат амалга ошириш принципи ўзининг ижобий самарасини берди.

Истиқлол йилларида жамиятимизда амалга оширилган ишларнинг ҳар бири ўзинга хос тарихга, маъно-мазмунга эга. Қисқа вақт ичида янги демократик бошқарув тизими шаклланди, яъни ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд-ҳуқуқ тармоқларининг ўзаро муносабатлари аниқ-равшан белгилаб олинди, бу муносабатларнинг мутаносиблиги таъминланди. Ижтимоий-сиё-

сий ҳаётимизда кўптартиявийликнинг юзага келиши, сиёсий партиялар фаолиятининг йўлга қўйилиши, улар орасида соғлом рақобатнинг юзага келиши чиндан ҳам тарихий аҳамиятга эга бўлди. Истиқлолимизнинг дастлабки қадамларида халқимиз учун муносабат ҳаёт тарзи яратилиш, ҳеч қимдан кам бўлмаган, улар биз эришмоқчи бўлган озод ва обод Ватан, эркин фуқаролик жамияти қолдиришдек эзгу ниятларимизга бепишандлик билан қараганлар бутун мустақил Ватанимизнинг қатъий ва шахдам қадамларини қўриб қойил қолмоқда, ҳавас қилмоқда.

Биз эришган ютуқлардан бири "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" шиори остида қураётган янги жамиятимизнинг буй чўзаётганидир. Бундай жамият юксак даражада уюшган, онгли ва маъсулятли муносабатлар тизими бўлиб, жамият ҳар бир аъзосининг ҳуқуқ ва эркинлиги фақат давлатга қарашли бўлмаган уюшмалар, бирлашмалар фаолият орқали таъминланади. Фуқаролик жамиятида одамларнинг ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятига алоҳида эътибор берилади. Амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси замирида инсон манфаатлари ётади. Ҳар бир бошқарувчи жамоатчилик ташкилотлари, турли жамғармаларнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти янада ошадди. Кўптартиявийлик мамлакат сиёсий ҳаётида фикрлар хилма-хиллигини вужудга келтирди. Фуқаролар мамлакат Конституциясида белгилаб қўйилган ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш имкониятига эга бўладилар. Шу маънода "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиздир. Чунки, ушбу қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди; жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш таъминлади; давлат ҳокимияти ва бошқаруви орган-

ларининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқини қафолатлади; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар учун маъсулятини оширади; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тартибини белгилаб беради.

Жамият тараққиёт сари юз тутар экан, ижтимоий-маънавий юксалиш, турмуш фаровонлигига эришиш имкониятлари халқнинг орзу-умидлари билан мутаносиб равишда ошиб боради. Демократик ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатларда инсон орзу-умидларининг рўёбга чиқиши жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қарор ва дастурларнинг бевосита самарасига, жамият аъзоларининг бу жараёндаги иштироки, ижтимоий фаоллигига боғлиқ бўлади. Бу боғлиқлик, энг аввало, одамлар қалбига жамият ҳаётида кечаётган жараёнларга шахсий дахлдорлик туйғусини юзага келтиради. Тинч-тотув яшаш, фаровон турмуш кечирish учун кураш, бу жараёнда фаол иштирок этиш, ташаббускор бўлиш унинг учун маънавий бурчга айланади. Бу бурч уни янада фаол бўлишга, жамият, миллат манфаатларини шахсий ҳоҳиш-истакдан балеанд қўйишга, хамиша ва ҳар ҳолатда ҳам виждон амрига қулоқ

тутишга, инсоф-диёнатга даъват этади.

Йигирма беш йил тарихан катта муддат эмас. Аммо ҳаётда шундай йиллар, ойлар ва ҳатто кунлар ҳам бўладики, уларни моҳиятан бирор нарсага қиёслаш ўта мушкул. Тўғри, кейинги чорак асрда дунё ўзгарди, лекин мустақил Ўзбекистоннинг бугунги шиддати, жасоратли ишлари, маънавий юксалиши, иктисодий барқарорлиги ўзгармаган дунёни ҳам хайратта солди десак, муболага бўлмайди. Европанинг кўплаб ривожланган мамлакатлари молиявий-иктисодий таъназул боис, муаммоларга дуч келиб турган, ишисизлик даражаси ошаётган, ижтимоий химоя режалари қисқараётган бир пайтда, Ўзбекистонда маҳсул давлат дастурлари қабул қилиниб, кишлқларимизда намунали лойиҳалар асосида шаҳар шароитидан асло кам бўлмаган уй-жой массивлари қурилаётгани, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар берилаётгани чиндан ҳам хайратланарлидир. Кишлоқ жойларида янги тилдаги уй-жой қуриш бўйича маҳсул дастурда қўзда тутилган режаларни амалга оширишда Осие тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро молия ташкилотлари иштирок этаётгани Ўзбекистоннинг дунё миқёсида ишончли ҳамкорга айланганидан далолат беради.

Истиқлол йилларида эришган энг муҳим ютуқларимиздан яна бири, шубҳасиз, мамлакатимизда Ватанимиз ва халқимизнинг келажакимиз ўз қўлига олишга қодир бўлган янги — баркамол авлодининг тарбия топганидир. Қувончлиси шундаки, оптимиздан замонавий билимларни чуқур эгаллаётган, жаҳоний тажрибалардан яхши хабардор, изланувчан, интилувчан, эътиқоди мустаҳкам янги авлод — ҳаётимизнинг эртанги давомчилари келаётир. Мустақил фикрга, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлган, замонавий билимларни чуқур эгаллаган бундай ёшларни тўғри йўлдан қалғитиб бўлмайди. Истиқлол бизга мана шундай буюк маънавий бойлиқни ато этди. Бу бойлиқдан самарали фойдаланиш, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида амалга оширилган буюк ислохотларни муносиб равишда давом эттириш, йигирма беш йиллик галабаларимизни қўз қорачиқдек асраб-авайлаш, уларни янги-янги марралар билан бойитиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Ислам ҲАМРОЕВ

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Бугунги кунда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳларининг янада фаол ва самарали ишлашига алоҳида эътибор қаратилиб, шу мақсадда ўтказиб келинаётган сиёсий ўқувлар, семинар-тренинг ва учрашувлар ўз ижобий натижасини бераётгани диққатга моликдир.

Ташаббускорлик ва профессионал маҳорат

депутатлар фаолиятининг муҳим мезонига айланган

Халқ депутатлари Зарбдор туман Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан олиб борилаётган тарғибот тадбирлари, сайловчилар билан ўтказилган учрашувлар, жойлардаги муаммоларни барқараф этиш борасида қилинган амалий ишлар ҳам буни яққол ифодалади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фуқароларнинг депутатлик гуруҳи аъзоларига қилган муурожаатларида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш мақсадида мутасадди ташкилотлар раҳбарлари номига киритилган 16 та депутатлик сўровларидан 9 таси ижобий ҳал қилинган бўлса, қолган 7 таси юзасидан амалий ишлар давом этмоқда.

Жумладан, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Акрам Абдувоитов тумандаги 8-умумтаълим мактабига киш масуми олдида газ таъминотида доир масала бўйича "Зарбдортумангаз" филиали раҳбарига депутатлик сўрови юбориб, тез орада мазкур масала филиал маъмурияти томонидан ўз ечимини топди. Бу борада бошлаб юборилган барча қурилиш-монтаж ишларини жорий йилнинг сентябрь ойида тўлиқ якунлаш режалаштирилган. Шунингдек, депутатлик гуруҳи ташаббуси билан тумандаги 3-умумтаълим мактабига теннис майдонини қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Шу мақсадда туман ҳокимининг фармойишига биноан маҳаллий бюджет ҳисобидан 9 миллион 671 миң сўм маблағ ажратилиб, бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда.

Яна бир мисол. Депутатлик гуруҳи томонидан "Янгиҳаёт" маҳалласидаги қўчқарнинг 1600 метр масофадати қисмини таъмирлаш масаласини ҳал қилиш юзасидан юборилган депутатлик сўровини туман Ободонлаштириш бошқармаси мутахассислари ўрганиб чиқди. Натижада мазкур масала туман ҳокимлигининг 2018 йилга мўлжалланган манзилли дастурига киритилиб, аниқ вазифалар белгиланишига эришилди.



Халқ депутатлари туман Кенгашига "15-Ойбек" сайлов округидан сайланган депутат Назира Назарова томонидан туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи номига "Ойбек" маҳалласи худудидидаги қўча ва унинг атрофларини ободонлаштириш масаласида киритилган депутатлик сўрови натижасида мазкур йўл обод бўлди, йўл бўйига 230 донна турли манзарали дархат қўчатлари экилдди.

Партия депутатлари хайрли ишларда ҳам ибрат кўрсатишапти. Депутатлик гуруҳи ташаббуси билан туман ҳокимлиги қўмағида, хомийларни жалб қилган ҳолда Зарбдор шаҳарчасидаги "Нури манзил" тўйхонасида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Тумандаги кам таъминланган, боқувчинини йўқотган ва эҳтиёжманд оилалар фарзандларидан 14 нафарининг суннат тўйлари ўтказилгани ҳам қўччиликни, айниқса, болажонларни мамнун қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юксалиши уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси мустаҳкамланишига, пировардида худудини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, фаровонлиқни оширишга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, депутатлар фаолияти билан боғлиқ жараён саналади. Шунинг назарда тутиб, депутатлик гуруҳи аъзолари кейинги йилларда қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини тушунириш, қонун устуворлигини таъминлаш, партиянинг Сайловолди дастури ва ижтимоий лойиҳаларни доирасида тарғибот-ташвиқот ишларини қўчатириш юзасидан изчил фаолият олиб боришмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар электорат манфаатларини рўёбга чиқариш билан бирга партияимиз фаолиятининг самардорлиги ортиши ҳамда унинг аҳоли ва жамоатчилик ўртасида мавқеи янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади.

Узоқбой РИСКУЛОВ,
Жиззах вилоят кенгаши
матбуот қотиби

Истиқлол қуёши мангу порлагай

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

Салкам бир юз ўттиз йил давом этган истибодод туфайли эркидан, динидан, тарихидан, тилидан айрилаёзган халқимизнинг дардига улуг фарзандларидан бири малҳам бўлди. Хуррият байроғини баланд кўтариб, дунё харитасига Ўзбекистон деб аталмиш мустақил давлатни пайдо қилган бу инсон Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, мустақиллигимиз асосчиси, буюк давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Қахрамони Ислон Абдуғаниевич Каримов эди.

Бу инсонга инсоният тарихида камдан-кам одамларга берилган бахт насиб этди. Бу бахт — она халқини зулматдан нурга, қулликдан озодликка олиб чиқиб, уни тарққиб ва эзгулик йўлига бошлаш, порлоқ истиқбол йўлини кўрсатиб беришдан иборат бўлди.

Халқимиз мустақиллигининг мураккаб вазиятли дастлабки кунларини, турли фитналар таҳдид солиб турган тахликал даврларни Ислон Каримов раҳнамолиги остида энгиб ўтиб, тинчлик, бунёдкорлик, тинч-осойишта ва фаровон ҳаёт сари дадил кадам ташлай бошлади. Юртбошимиз воят оғир ижтимоий-иқтисодий ахволга тушиб қолган республикани муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолишга, чигал вазиятни қисқа вақт ичида тўздан ўзгартиришга эришди.

Юрт ҳам моддий, ҳам маънавий жихатдан обод бўлди: Ватанимизда кенг қўламли

ислохотлар амалга ошди, иқтисодиётда қатор тармоқлар ривожланди, янгиликларга асос солинди, кўплаб sanoat объектлари барпо этилиб, ишга туширилди. Рамазон ва Қурбон хайитлари дам олиш куни деб эълон қилинди, ибодатлар эмин-эркин бажарила бошлади, янги масжидлар, мадрасалар қурилади, таъмирланди, минглаб юртдошларимиз ҳаж ва умра сафарига боришга мушарраф бўлишди. Хар бир янги ўқув йилининг иши берган қалам-қоғоз билан хат-савод чиқаришди, илм-фан соҳасида, маданият ва спорт соҳасида катта муваффақиятларга эришилди, жаҳон спорт майдонларида улкан ғалабалар қозонишди ва қозонишмоқда.

«Яхшидан боғ қолади», дейди доно халқимиз. Муста-

қилликнинг чорак асрлик солномаси минг-минглаб бино ва иншоотлар, янги йўллар, кўприклар ва бошқа кўплаб қурилиш объектлари билан тўлиб-ғошди. Шу қисқа муддат ичида Ўзбекистон дунёда иқтисодиёти энг жадал суръатлар билан ривожланаётган бешта давлат қаторидан жой олди, юрт ободлиги, Ватан сарҳадларининг дахлсизлиги, халқ ҳаётининг тинчлиги, турмуш фаровонлиги таъминланди.

Шу йиллар давомида Ўзбекистон тинчликпарвар, халқпарвар ташқи сиёсат олиб боровчи, барқарорликни, хар қандай можароларни фақат тинч йўл билан хал қилишни ёқловчи кучли давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Юртбошимиз миллий-маънавий кадрларимизга хурмат-эҳтиром кўрсатиш, мукаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтарди, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса қўйди.

Мураккаб геосиёсий вазиятларда, миллат тақдирини, Ватан тақдирини, нафақат юртимиз худудиди, балки Ўрта Осиё минтақасидаги барча халқлар тақдирини хал қилинаётган оғир шароитларда Юртбошимиз қатъият билан, метин прода билан фақат тинч-

лик йўлини танлади, Ўзбекистоннинг мустақиллигини, халқ манфаатларини химоя қилди, оғир синовлардан шараф билан ўтди.

Сўнгги йилларда халқаро вазият оғирлашиб, дунёнинг турли чеккаларида биродар-қушлик урушлари, босқинчилик, мутаассиблик олови тобора кучайган сари, нафақат юртимизда, балки бутун дунёда Юртбошимиз танлаган йўлнинг, иқтисодий-ижтимоий сиёсатдаги ўзбек моделининг қанчалик тўғри экани эътироф этила бошланди.

Табиийки, халқимиз бу улуг инсоннинг улкан хизматларини юксак қадрлади. Юртбошимиз халқнинг самимий меҳр-муҳаббатини қозонди, элнинг арвоғида бўлди. Президентимиз хар бир байрамда, хар бир шодиёнада халқимизнинг олқишлари остида нутқ сўзлаб, барчамизни муबारакбод этар, эл-юртнинг қувончига шерик бўларди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи бу йилги истиқлол байрамини алоҳида ҳаяжон билан кутаётган, мустақиллигимизнинг чорак асрлик тўйини алоҳида қувонч билан, ўзгача бир шукух билан нишонлашга тайёрланаётган эди. Йигирма беш йиллик шонли йўлнинг сарҳисобига ўзгача таррадуд қўриларди. Аммо йигирма беш йиллик тинимсиз оғир меҳнат, улкан масъулият оддий бир инсон учун жуда катта синов эди. Бу синов ме-

зонининг бир палласига юрт ободлиги, Ватан озодлиги қўйилган бўлса, бир палласига ана шу улкан масъулиятни зиммасига олган инсоннинг саломатлиги, ҳаёти қўйилган эди. Айни байрам арафасида Юртбошимизнинг саломатлиги кескин ёмонлашгани хақидаги хабар бутун Ўзбекистон халқини чуқур изтиробга солди. Барча ватандошларимиз давлатимиз раҳбарининг соғайиб кетишини сўраб, дуолар қилишди. Аммо тақдир қалами битган иш амалга ошмай қолмади. Тирик жон борки, ҳаёт интихосига юзланади, боқийлик эса фақатгина Аллоҳ таолога ҳосидир.

Биз умр неъматини халқ озодлиги йўлида, юрт тинчлиги, фаровонлиги йўлида сарфлаган, бор куч-ғайратини, иш-жоятини, ҳаётини миллатининг, Ватанимизнинг шаънини юксалтиришга фидо қилган инсонни сўнгги йўлга кузатдик.

Ишонамизки, юртимиз узра истиқлол қуёши мангу порлагай, халқимиз ўзи танлаган порлоқ истиқбол йўлидан дадил кадам ташлагай ва бу йўлга асос солган, бу йўлдан бизларни бошлаб борган Юртбошимизнинг руҳини шод айлагай!

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ, Юнусобод тумани бош имом-хатиби, Тошкент Ислон институти ўқитувчиси

ИФТИХОР

Озодлик энг буюк неъматдир. Ҳамма озод бўлиб яшашни хоҳлайди. Ҳатто буни биргина қуш мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Қафасда сақланадиган қушлар нега кун бўйи то ҳолдан тойиб чарчагунча бир ишни такрорлайверади? Қафаснинг сим деворларини чўқиси, гоҳ пастга тушиб, гоҳ тепага учиб қафасдан чиқиб кетишга уринишдан тўхтамайди. Чунки қуш табиятан кенг ва чегарасиз осмонда учиб, эркин ҳаволарда яйраш учун яратилган. Бу-ку қуш — оғир ва онгсиз бир жонзот. Одам-чи?

ОЗОД ЮРТ ОБОД

Шаҳарда кўп қаватли иморатларда яшайдиган болалар орасида бузилиб қолган қоронғи лифтда бирор фурсат қолиб кетганлар ҳам бўлса керак. Бир неча дақиқа давом этган шу ҳолатда лифтда қолиб кетган боланинг юраги нақадар сиқилган, нақадар бетоқат бўлгани шубҳасиз. Қишлоқда ҳам шунга ўхшаш вазиятга тушган болалар бўлиши мумкин. Ажаб, нега одам боласи ўзини тўқунликка солишларини истамайди? Нега кичкинагина болажон отаси ёки онаси етаклаб келаётганида уларнинг қўлидан бўйлашга уринаверади? Нега бутун дунёда аксарият жиноятчиларни озодликдан маҳрум этиш билан жазолайдилар? Бу ва шунга ўхшаш қўлаб саволлар учун жавоб битта: инсон қушдан, нафақат қушдан, балки жамики жонзотлардан ҳам кўра кўпроқ озод ва эркин яшашни хоҳлайди!

Озодликдан маҳрум этилиш чинакам инсон учун оғир жазо ҳисобланиб, бу жазога учрамаслик учун ҳам у жиноят қўчасига оёқ босмайди. Озодликнинг қадрига етади.

Энди бутун бир халқнинг — миллионлаб инсонларнинг ўзига ўхшаган бошқа кишилар зулми остида қолишини тасаввур қилиб кўринг. Ватанимизнинг беҳисоб табиий бойликлари, жуда қулай жуғрофий худудда жойлашганлиги кўлаб босқинчиларнинг ҳавасини келтирган. Тарихдан маълумки, не-не ёвлар юртимизнинг пок туپроғини топташга, миллатимиз яратган бебаҳо маданий бойликларни талашига тинимсиз ҳаракат қилганлар. Лекин она халқимиз ҳам ўз озодлиги ва мустақиллигини химоя қилишдан ҳеч қачон тинмаган, чарчамаган, қатъий курашган. Миллатимизнинг Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Маҳмуд Торобий, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Қўбро, Амир Темур сингари чинакам мард фарзандлари, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Кодирий каби ватанпарвар ёллонлари миллат эрки, озодлиги ва мустақиллиги йўлида азиз жонини тикканлар. Озодлик учун олиб борилган матонатли кураш, ниҳоят ўз самарасини берди. Юртимиз қарийб 130 йил давом этган истибоддан XX аср охирига келиб батамом қутулди.

Истиқлол қўлга киритилгач, жаҳон сиёсий харитасида янги мустақил мамлакатимиз — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди ва тез орада уни дунё давлатлари тан олди.

Давлат мустақиллиги, бу ўша давлатнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши, мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бориши, жаҳон мамлакатлари томонидан тан олиниб, улар билан тенг ҳуқуқлилик асосида ҳамкорлик қилиш демокдир.

Мустақил давлатимиз ўз Конституцияси, мудофаа кучлари, миллий валютаси ва давлат рамзларига эга бўлди. Конституциямизда халқимиз ва давлатимиз манфаатлари, мақсадлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари баён этилган ҳамда кафолатланган.

Юртбошимиз ташаббуси билан 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган эди. Бу эса миллий озодлик учун қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлган эди. Зеро, тилинг озодлиги дилнинг, тафаккурнинг ҳурлиги демокдир. Мустақил фикрлайдиган авлодгина буюк келажакни барпо қила олади. Афсуслки, узоқ йиллар давомида халқимиз она тилида иш юртиши, давлат бошқаруши ҳуқуқидан маҳрум этилганди. Бугун эса тилимиз, дилимиз, тафаккуримиз озодликка эришган.

1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган мамлакатимиз байроғида юртимизнинг тарихи, табияти, халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган эътиқоди, маданий-маърифий тушунчалари рамзий акс этган. Ундаги ҳар бир ранг, белги ва чиқиқларда чуқур маъно бор.

Ватанимиз байроғи АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) биноси олдида ҳилтираб, Ер юзида Ўзбекистон Республикаси деган мустақил давлат борлигини барчага намён қилиб турибди.

Бизлар Ватанга бўлган муҳаббатимизни юртимизнинг ҳар қарич ерини муқаддас билиб, она табиятини асраб-авайлаш ва гўзаллаштиришга ҳисса қўйиши, пухта билим олиш, юртимиз учун яхши ишлаш, ихтиролар қилиш каби эзгу ишларимиз орқали намён этамиз.

Санабар ПўЛАТОВА, Қарши педагогика коллежи ўқувчиси

Электрон рақамли имзо олиш

интерактив хизмати ишга туширилди

ҚУЛАЙЛИК

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан "Электрон рақамли имзо олиш учун ариза юбориш" янги интерактив хизмати ишга туширилди. Бундай интерактив хизматдан кўзланган мақсад жисмоний шахсларнинг электрон рақамли имзо (ЭРИ)га эга бўлиши жараёнини соддалаштиришдан иборат.



Янги интерактив хизмат орқали жисмоний шахслар ЭРИ олиш учун аризани юбориб, меъёрий-ҳужжатларда белгиланган тўловни амалга оширгандан бошлаб 5 кун ичида аризининг кўриб чиқилганлиги бўйича хабарномага эга бўлади. Шундан сўнг жисмоний шахс паспортнинг асл нусхаси ва USB флеш-картаси билан ўзига яқин худудда жойлашган туман Давлат солиқ инспекциясига ЭРИ сертификати ва калитини олиш учун ташриф буюради.

Жисмоний шахсларга қулайлик яратиш мақсадида тўловни CLICK ёки U-PAY тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш имконияти ҳам мавжуд. Шуниси муҳимки, ариза юборилганидан бошлаб 3 кун давомида ЭРИ калитини олиш учун тўлов амалга оширилмаган тақдирда аризани кўриб чиқиш рад этилиши мумкин. Тўлов миқдори тўлов амалга оширилганидан кунга мувофиқ энг кам иш ҳақининг 10 фоизини ташкил қилади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги қонунига асосан, муурожаатларнинг озаки, ёзма ёки электрон шакллари мавжуд. Электрон муурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклида бўлиши керак.

Шунингдек, жорий йилнинг 12 сентябидан бошлаб Ягона интерактив давлат хизматлари портали — www.mv.gov.uz орқали муурожаатларни юборишда ЭРИдан фойдаланиш мажбурийлиги белгиланган.

Ўз мухбиримиз

Бунёдкорлик



Азалий қадриятлар замирида хайру саховат

Қарши шаҳрида етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган турар-жой биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳолининг фаровон турмуш кечирishi учун қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу жараёнда, айниқса, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ғам-хўрлик кўрсатиш, уларнинг жамиятдан муносиб ўрин эгаллаши учун шароит яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани халқимизга хос азалий юксак фазилатларнинг ёркин ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар-жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим омил бўлмоқда.

Вилоят ҳокимлиги, бир қатор хомий ташкилотлар ва тадбиркорлар ташаббуси билан қисқа муддатда барпо этилган мақзум турар-жой биноси учта икки хонали ва йигирма еттита бир хонали хонадондан иборат бўлиб, барчаси замонавий жиҳозланган.



Айни пайтда бу турар-жойда маънавият ва маърифат хонаси, тренажёрлар ва бошқа турли анжонлар билан жиҳозланган спорт зали ҳам мавжуд, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлими раиси Шермамет Ражабов. — Бино ташқарисида ёзги айвон ва иссиқхона учун ер ажратилган. Шунингдек, бу ердаги тикувчилик пехи ва гўзаллик салони хонадон эгаларини иш билан таъминлашга хизмат қилади.

Тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими З.Рўзиев сўзга чиқди.

Ў. БАРОТОВ, Ўза мухбири Жамшид НОРҚОБИЛОВ (Ўза) олган суратлар

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислон ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖўРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ, Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 288-42-14 (144)

Навбатчи муҳаррир — Саодат Содиқова, Навбатчи — Бобиржон Тунгатов


«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилди.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй. info@adolat.uz

Газета Ўзбекистон Матбуоти ва ахборот оловлиги томонидан 0018 рақамин билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

НАШР КўРСАТКИЧИ: 100

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ, Offset усулида босилган. Бўғорма Г — 900, Адади — 6442. Босишга топширилган вақти — 00.00. Босишга топширилди — 00.30. Баҳоқчи келишилган нарҳда



1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сибсий Кенгаши